



ЖИНОЯТ ПРОЦЕССИДА ПРОЦЕССУАЛ МАЖБУРЛОВ ЧОРАЛАРИ ҚЎЛЛАШ МАСАЛАЛАРИ

Шухратжон Қурбонов

Наманган вилояти судининг жиноят ишлари бўйича судьяси

Аннотация: Ушбу мақолада суд-ҳуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш ҳамда жиноят процессида процессуал мажбурлов чораларини қўллашда юзага келаётган айрим масалаларни бартараф этиш ҳақида фикр юритилган. Шунингдек, мақолада бир қанча таклиф ва мулоҳазалар бериб ўтилган.

Калит сўзлар: суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд, эҳтиёт чораси, санкция

Бугунги кунда амалга оширалаётган ислохотларни туб замирида инсон манфаатларини муҳофаза қилиш муҳим ўрин тутди. Жиноий-ҳуқуқий соҳани либераллаштириш борасидаги ислохотлар ҳақида сўз юритилганда, жиноят-процессуал қонунчилигимизга киритилган ўзгартишларга мувофиқ тергов, шахсни ушлаб туриш мажбурлов чораларини либераллаштирилганлигини таъкидлаш лозим. Жиноят процессида исботлаш бурчи юклатилган шахслар (суриштирувчи, терговчи, прокурор, суд ўз ваколатлари доирасида уларга юклатилган мажбуриятни бажариш мақсадида, фақат етарли асослар мавжуд бўлганида белгиланган процессуал мажбурлов чораларини қўллаш ҳуқуқига эга бўладилар. Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 213-моддасида гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан мажбурлов чоралари белгиланган. Жиноятпроцессуал қонунчилиги шахсни ушлаб туриш, эҳтиёт чоралари, лавозимидан четлаштириш, мажбурий келтириш, шахсни тиббий



муассасага жойлаштириш, процесс иштирокчиларининг хавфсизлигини тامينлаш ва судда процессуал мажбуриятлар ҳамда тартибни бузганлик учун жавобгарликлар белгиланган. Инсон эркинлиги ва шахсий дахлсизлик ҳуқуқи таъминланиши демократик давлатнинг муҳим белгиларидан ҳисобланади. Бинобарин, Ўзбекистон Республикаси Конституциясида инсоннинг ҳуқуқ ва эркинликлари энг олий қадрият сифатида қафолатланган. Ўзбекистон Республикаси Конституциясининг 19,25 ва 27-моддасида мустаҳкамланганидек, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликлари дахлсизлиги, ҳеч ким қонунга асосланмаган ҳолда ҳибсга олиниши ёки қамоқда сақланиши, турар жой дахлсизлиги, улардан суд қарорисиз маҳрум этишга ёки уларни чеклаб қўйишга ҳеч ким ҳақли эмаслиги белгилаб ўтилган. Шунингдек, фуқароларнинг суд орқали ҳимояланиш қафолатлари жиддий тарзда кучайтирилди, ушбу қафолатдан фойдаланиш имкониятларини янада кенгайтиришни таъминлаш бўйича катта қўламдаги чора-тадбирлар амалга оширилиб келинмоқда. Айрим хорижий давлатлар тажрибасига назар солсак, АҚШда процессуал мажбурлов чоралари шахснинг конституцион ҳуқуқларини сезиларли чеклагани туфайли суднинг руҳсати билан қўлланилади.

Айтиш жоизки, бугунги кунда мамлакатимизни ривожлантиришни замонавий талаблари ва стратегик устувор вазифалари сифатида суд-ҳуқуқ тизимини янада такомиллаштирилиши ҳозирда давр талабидир. Хусусан, давлат ва жамият ривожини юқори босқичга кўтариш, ҳаётнинг барча соҳаларини янада либераллаштириш, мамлакатимизни модернизация қилиш бўйича энг муҳим устувор йўналишларни амалга оширишдан иборат. Суд-ҳуқуқ тизимини янада ислоҳ қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш қафолатларини кучайтириш борасида қуйидаги учта асосий устувор йўналишларни, биринчидан, суд ҳокимиятининг чинакам мустақиллигини таъминлаш, иккинчидан, фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш



кафолатларини кучайтириш, учинчидан, одил судловга эришиш даражасини оширишликни ўз ичига қамраб олади. Бундан ташқари, суд-хуқуқ тизимини янада демократлаштириш ва либераллаштириш, фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиришга оид қатор муҳим янгиликлар ўзаксини топган. Шунини таъкидлаш жоизки, эҳтиёт чоралари процессуал мажбурлов чораларининг алоҳида тури сифатида хуқуқбузарликнинг олдини олишга хизмат қилади. Фуқароларнинг хуқуқ ва эркинликларини ишончли ҳимоя қилиш кафолатларини таъминлашга доир қўшимча чора-тадбирлар қабул қилинганлиги муносабати билан, Ўзбекистон Республикасининг айрим қонун ҳужжатларига ўзгартириш ва қўшимчалар киритиш тўғрисидаги қонунда процессуал мажбурлов чораларини яъни, ушлаб туриш муддати ушланган милицияга ёки хуқуқни муҳофаза қилувчи бошқа органга келтирилган пайтдан бошлаб кўпи билан етмиш икки соат эмас қирқ саккиз соатга, қамокқа олиш иккинчи қисмининг олтинчи хатбошидаги қамок ёки деган сўзлар чиқарилиши, қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тартиби тўртинчи ва олтинчи қисмдаги; агар илтимоснома ушлаб турилган гумон қилинувчи ёки айбланувчига нисбатан қўзғатилаётган бўлса, қарор ва кўрсатилган материаллар ушлаб туриш муддати тугашидан камидаўн икки соат эмас саккиз соат олдин судга тақдим қилиниши кераклиги, қамокқа олиш ёки уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш тўғрисидаги илтимоснома ёпиқ суд мажлисида, материаллар келиб тушган пайтдан эътиборан ўн икки соат эмас саккиз соат ичида, лекин ушлаб туришнинг энг кўп муддатидан кечиктирмай кўриб чиқирилиши ва бошқаларни кўришимиз мумкин.

Ўзбекистон Республикаси жинойт-процессуал қонунчилигида назарда тутилган процессуал мажбурлов чораларидан ташқари айрим тергов ҳаракатларида ҳам мажбурлов элементлари мавжуд. Муносиб хуқуқ-атворда бўлиш кўпроқ руҳий мажбурловга хос бўлиб, тилхат олинган вақтда



айбланувчи ўзига нисбатан жиддийроқ эҳтиёт чораси қўлланиши тўғрисида огоҳлантирилади.

Тинтув, олиб қўйиш, эксперт текшируви учун намуналар олиш, гувоҳлантириш, турар жойни кўздан кечириш, почтателеграф жўнатмаларини хатлаб қўйиш, телефон ва бошқа сўзлашув курилмалари орқали сўзлашувларни эшитиб туриш каби тергов ҳаракатлари шахсий эркинликларни бирмунча чеклайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПК нинг 255-моддасида кўзда тутилган лавозимдан четлаштириш жиноят-процессуал мажбурлов чоралари орасида алоҳида ўрин тутди. Бу процессуал мажбурлов чоралари айбланувчи ва судланувчига нисбатан қўлланилади ва шахснинг меҳнат қилиш, эркин касб танлаш, адолатли меҳнат шароитларида ишлаш каби конституциявий ҳуқуқларини яъни шахс ва фуқаронинг меҳнат ҳуқуқларини бевосита чеклайди. 2012 йил 18 сентябрдан бошлаб лавоимидан четлаштириш суднинг ажримига асосан қўлланилмоқда. Лекин мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллашда қонунчиликка қуйидаги қўшимчаларнинг киритилиши фойдадан холи бўлмайди.

“Башарти айбланувчи, судланувчи ўз иш жойида қолса, у жиноят иши бўйича ҳақиқатни аниқлашга, жиноят оқибатида етказилган зарарни қоплашга тўсқинлик қилади ёки жиноий фаолиятини давом эттиради деб ҳисоблашга етарли асослар бўлса, суриштирувчи, терговчи, прокурор уни вақтинча лавозимдан четлаштириш ёки маълум фаолият тури билан шуғулланишни вақтинча тақиқлаш тўғрисидаги илтимоснома билан судга мурожаат қилишга ҳақлидир”. Айрим олимларнинг фикрига қараганда, “...шахс ўзининг меҳнат мажбуриятларини ижро этиши орқали янги ижтимоий-хавфли қилмишлар содир этиши, иш бўйича ҳақиқатни аниқлашга тўсқинлик қилиши тўғрисида асосли тахминларнинг мавжудлиги лавозимидан четлаштириш чорасини танлашга асос бўлади”.



Юқоридаги олимларнинг фикрга қўшилган ҳолда, амалдаги қонунчилигимизда асосан бу чора фақат мансабдор шахсларга эмас, балки ҳар қандай тоифадаги шахсларга нисбатан қўлланиши мумкин. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш мазкур процессуал мажбурлов чорасини қўллаш учун асос бўлган ҳолатлар бекор бўлгунига қадар ўтган вақт мобайнида қўлланилади. Айбланувчини, судланувчини лавозимидан четлаштириш тарзидаги процессуал мажбурлов чораси қарор чиқарган судни албатта хабардор этган ҳолда терговчи, прокурор, суд томонидан бекор қилинади.

Шахснинг лавозимидан қонунга ҳилоф равишда четлаштирилгани оқибатида етказилган зиён, кейинчалик унга нисбатан оқлов ҳукми чиқарилган ёки жиноят иши ЖПКсининг 83-моддасида назарда тутилган асосларга кўра, тўла ҳажмда қопланиши (Жиноят-процессуал кодексининг 260-моддаси) қайд этилган. Шунинг учун ҳар бир гумон қилинувчи, айбланувчига нисбатан қўлланилаётган мажбурлов чоралари инсон эркинлиги, шахсий дахлсизлиги қолаверса, унинг меҳнат фаолиятига ҳам таъсир кўрсатмаслиги керак. Процессуал мажбурлов чора яъни лавозимидан четлаштиришни қўллаш фақат суддан руҳсат олиниши, бу фуқароларнинг ҳуқуқ ва эркинликларини мустаҳкам ҳимоя қилиш кафолатларини кучайтиради.

Эҳтиёт чораси сифатида қамоққа олишнинг муқобили сифатида уй қамоғи тарзидаги эҳтиёт чорасини қўллаш жиноят процесси олдида турган вазифаларни одилона ҳал этишда муҳим ўрин тутди.

Айтиш керакки, жазо тизимини либераллаштириш бўйича амалга оширилган бундай чора-тадбирларнинг нақадар тўғри бўлганини ҳаётнинг ўзи тасдиқлаб бермоқда.



ФОЙДАЛАНИЛГАН АДАБИЁТЛАР РЎЙХАТИ

1. Американская конвенция о правах человека // Международные акты о правах человека. Сборник документов.-М.: Норма,2000.-Б722
2. Ўзбекистон Республикаси Президентининг «Ўзбекистон Республикасини янада ривожлантириш бўйича ҳаракатлар стратегияси тўғрисида»ги Фармони 2017 йил 7 февраль
3. Василова Е.Г. Меры уголовно-процессуального принуждения.-Уфа: БашГУ,2003-Б.69
4. Тулаганова Г.З “Жиноят процессида процессуал мажбурлов ва унинг ўзига хос хусусиятлари” юридик фанлар доктори илмий даражани олиш учун ёзилган диссертацияси “Тошкент” 2009
5. Каликовский К.Б. Смирнов А.В. Комментарий к уголовнопроцессуальному кодексу Россия Федерации. / Под общ. Ред А.В.Смирнова. 2-е изд. доп и перераб.-СПб.: Питер, 2004-Б.318.